



O'ZBEKISTON

BUNYODKORI

№62 (715) 2023 йил 4 август, жума

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

facebook uzbunyodkor

telegram t.me/uzbunyodkor

email info@uzbunyodkor.uz

website uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

Ислом цивилизацияси маркази юртимиз дурдонасига айланишига шубҳа йўқ

Наргиза МИРЁҚУБОВА, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Тошкентда қад ростлаётган Ислом цивилизацияси марказида бунёдкорлик ишлари авжида. Дурдона иншоотда қурилиш билан бир вақтнинг ўзида етук мутахассислар томонидан иншоотни безаш, жиҳозлаш ишлари амалга оширилмоқда.



Ислом цивилизацияси маркази. Айтиш жоизки, мазкур мажмуа мамлакатимизда сўнгги йилларда қад ростлаган энг мухташам иншоотлардан биридир. Бу иншоот Ислом оламининг дурдоналаридан бўлишига шубҳа йўқ. Шу ўринда 8 гектар майдонни эгаллаган ушбу мухташам ва муаззам мажмуа ҳақида икки оғиз сўз.

Бугунги кунда марказ асосий биносининг фасад ва ички қисмида пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Фасад қисми деворларида сополдан фойдаланилиб, бадиий безатиш ишлари олиб борилмоқда. Бу ердаги гузал тарздаги уймакорлик ишларини бошқа иншоотларда учратиш мушкул. Бинонинг 1-, 2-, 3-қа-

ватларида олимларнинг X-XII асрларга оид тарихий фактлар асосида ишланган чизмаларидан келиб чиқиб нақшлар яратилди. Ундаги Қорақалпоқ диёри тарихига оид ишланган эшик, сомониylар даврида Афросиёбда қўлланилган ёғоч уймакорлик ишлари эътиборни жалб қилади.

Марказда Ислом дунёсининг тамаддунига оид 100 мингдан ортиқ қўлёзмалар ва уларнинг электрон вариантлари, барча турдаги замонавий даврий нашр манба-ларига эга бўлган кутубхона жойлашади. Мажмуада қадимий қўлёзма ва тошбосма китоблар, тарихий далил ва ҳужжатлар, археологик топилмалар, осори-атиқалар-

нинг энг замонавий услубларда реставрация қилиш, тиклаш, нусха олиш ва кўпайтириш бўлими фаолият юритади. Халқаро илмий муассасада тузилмалар, жумладан ЮНЕСКО, АЙСЕКСО каби халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилади.

Ислом цивилизацияси маркази биносининг фойе қисмида 12 та равоқ жой олади, – деди Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Алишер Аликулов. – Бу ерда буюк алломаларимизнинг рангта-савир асарлари яратилиши кўзда тутилган. Бугунги кунда Амир Темур, Улуғбек, Ибн Сино, Беруний, Хоразмий равоқлари тай-ёр бўлди. Уларнинг яратилишида юрти-

миз олимлари, ҳаттотлар, ҳаттоки тарихий либослар бўйича мутахассислар жамланган. Асарлардан келиб чиқиб тош бўйича мутахассислар уларни мозаика услубида тошга кўчиришади. Ўзбекистонда бундай катта ҳажмда мозаика ҳали ишланмаган. Асарга рангли тошлар нозик дид билан териб чиқилади. Ҳар бир тош алоҳида, биттама-битта терилиб чиқилиши билан ҳам асар жуда ноёб ҳисобланади.

Марказнинг музейи ўзига хос. Ҳар бир экспонатга алоҳида ёндашилган. Нима учун айнан ушбу музей бу ерда ташкил этилган?

▶ 2-бет

Янги Ўзбекистоннинг янгича қиёфадаги аҳоли пункти

Замонавий шаҳарсозлик меъёрлари асосида бунёд этилаётган бу ўзига хос шаҳарчада табиат билан уйғунлик таъминланади, "яшил ландшафт" яратилади. Худуддан оқиб ўтувчи сув йўллари, бассейн ва фавворалар, сайр қилиш ва дам олиш учун соя-салқин жойлар, болалар майдончалари, кўркем гулзор ва хиёбонлар, концерт майдончалари, шунингдек, энергия тежамкор технологиялардан фойдаланиш алоҳида эътиборга олинган.



Сезганингиздек гап экошаҳар, Фарғона шаҳрида қад ростлаётган "Янги Ўзбекистон" массиви ҳақида бормоқда. Айни кунларда қизгин бунёдкорлик ишлари кетаётган массивда кўкка бўй чўзаётган кўп қаватли уйлар узоклардан кўзга ташланади. Президенти Фарғона вилоятига ташрифи чоғида бу ердаги қурилиш жараёни билан танишиди.

Бугунги кунда 300 гектарли улкан майдонда жадал қурилиш кетмоқда. Бу ерда 65 мингдан зиёд аҳолига мўлжалланган 298 кўп қаватли уй бунёд этилади. Аҳоли зич яшайдиган шаҳар ва вилоят учун бу муҳим ижтимоий аҳамиятга эга. Экошаҳар – экологик мусаффолик, табиат қўйнидаги шаҳарда қурилатган ҳар бир объект ўзига хос ечимга асосланган. Асосийси, биноларнинг зилзилабардошлигига аҳамият қаратилмоқда.

Вилоятимиз ҳудуди 7-8 баллик сейсмик зонада жойлашган. Шунинг учун биноларнинг 8-9 балл зилзилага чидамлилигига алоҳида эътибор қаратяпмиз, – деди вилоят қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси етакчи мутахассиси Умиджон Узоқов. – Бундан ташқари, қурилиш материалларининг пишиқ-пухталиги, давлат стандартларига мослиги доимий назоратимизда. Бунинг учун ҳудуднинг ўзида махсус лаборатория жойлашган. Мисол учун, келтириладиган гишт, цемент ёки арматурадан намуна олиниб, лабораторияда текширилади ва ҳулоса берилади. Жараён давомида сифатсиз материаллар бўйича 20 дан ортиқ маъмурий ҳужжатлар тайёrlаниб, масъул ташкилотларга тақдим қилинди.

Бундай ёндашувдан қурилиш ташкилотлари мутасаддилари ҳам мамнун. Эеро, ўзлари бунёд этаётган иншоотларнинг мустаҳкамлиги, узок йиллар давомида одамларга хизмат қилиши тарафдори.

Экошаҳарда иккита 7 қаватли турар-жой қуряпмиз. Барча масъул ташкилотлар томонидан узлуқсиз назорат олиб борилаётгани биз учун ҳам фойдали, – деди "Мадина" масъулияти чекланган жамияти иш юритувчиси Мирзаакбар Расулов. – Шунингдек, энергия тежамкорлигини таъминлаш учун янги талаблар қўйилган. Иншоотларнинг фасад қисми базальт қоплама билан ўралиши, том қисмига қуёш электр панеллари ва қуёш нури ёрдамида сув иситиш коллекторлари ҳамда барча уйлارга замонавий лифтлар ўрнатилаётгани, ички қисмларнинг бир-бирига ўхшамайдиган дизайнда бўлиши каби жиҳатлар ишимизга сифат ва кўркемлик бағишляпти.

Шаҳарчада яшовчилар учун кўплаб қулайликлар яратилмоқда. Кўп қаватли уйлар қуровидаги 420 ўринли мактабга таълим муассасаси, 990 ўринли мактаб, 250 катновга мўлжалланган поликлиника бинолари деярли битган. Тасаввур қилинг-а, уйдан чиқасиз, фарзандингизни боғчага, мактабга қўйиб, хотиржам ишга отланасиз. Еки исталган вақтда шундоқ ёнингиздаги поликлиника хизматидан фойдаланишингиз мумкин. Бошқа ижтимоий ва кўнгилочар объектлар, амфитеатр, автотурар-

гоҳ, дўконлар ҳам "пойингизда". Кечки салқинда эса "Янги Ўзбекистон" боғига оилавий сайрга чиқиш, мусаффо ҳаводан тўйиб нафас олиш имконияти бор.

Энди масаланинг бошқа томонига, айтиш мумкинки, кўпчилигини қизиқтирадиган жиҳатига назар солсак. Хўш, бу ерда битказилаётган уйларнинг нарх-навоеси қандай? Сўлим табиат қўйнидаги уйларида яшашни истовчилар қай усулда тўлов қилишлари мумкин?

Тўққиз қаватли уй қуряпмиз. Уй-жойлар сотувини бошлаб юбордик. Ҳозиргача 50 хонадонни сотиб бўлдик. Харидорлар келиб, уйлари ўз кўзлари билан кўриб, шартнома қилиб кетишяпти, – деди "Reverem Gold" масъулияти чекланган жамияти қурилиш корхонаси сотув менежери Абдувотир Зоҳидов ўша мухбири Масъуджон Сулаймоновга. – Аввало, ҳудуддаги мусаффо ҳаво, шаҳарчага алоҳида канализация қувури тортиб келиниши, уйлар томининг газоблоқдан, куйма монолит эканлиги, подъездлар ва коридорлар замонавий, сифатли материаллар билан жиҳозланиши миқозлар эътиборини тортмоқда.

Муқобил энергия таъминоти, юқори қаватларга чиқиш учун замонавий лифтлар борлиги, мактаб, боғча, масжид яқинлиги ҳам қизиқишга арзийди. Бугунги кунда хонадонларнинг 1 қаватги метри ўртача 5 миллион сўмга тўғри келяпти. Харидорлар хоҳишига кўра, 2, 3, 4 хонали, шунингдек, "студия" уйлар ҳам бор. Бизда ипотека кредитлари йўқ, лекин 48 ойга насия савдони йўлга қўйганмиз. 10-15 фоизлик бошланғич тўловни эса исталган усулда амалга ошириш мумкин.

Айтиш керакки, шаҳарчада банк хизматлари учун махсус кўرғазма-савдо уйи – шоурум очилган.

Экошаҳардан уй-жой харид қилишни хоҳловчилар учун кўмакка шаймиз. Вилоятдаги етти та банк масъулари бу ерда кунлик хизматда, – деди "Туронбанк" Фарғона банк хизматлари маркази бўлим бошлиғи Паҳлавон Эгамов. – Юртдошларимиз учун 20 йилгача муддатга йиллик 18 фоизлик ипотека кредитларини тақлиф этилди. Фуқаролар уй умумий суммасининг камида 15 фоизини тўлайди, банк эса қолган 85 фоизини.

Жорий йилда экошаҳарда жами 80 уй фойдаланишига топширилиши кўзда тутилган. Бу эса 3 минг 170 хонадон дегани. Кейинги йилларда ҳам кўп қаватли уй-жойлар, мактаб ва боғчалар, меҳмонхона қурилиши давом эттирилади, ёндош майдонда кичик саноат зонаси бунёд этилади. Худуд кун келиб, гавжум шаҳарчага айланади.

Хуллас, 300 гектарлик майдонда қад ростлаётган бу экошаҳар – фарғоналиклар қўли билан бунёд этилаётган мўъжиза – ҳадемай нафакат вилоятда, балки бутун вoдийда энг йирик ва обод кентлардан бирига айланади. Шаҳарча вилоятда аҳолини уй-жой ва иш билан бандлигини таъминлаш, замонавий шаҳарсозлиқнинг барча ютуқларини намойиш этиш, бир сўз билан айтганда, Янги Ўзбекистоннинг янгича қиёфадаги аҳоли пункти намунаси сифатида тарих зарварларига ёзилажак.

ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА

ОЧИҚ МУЛОҚОТ – навбат фарғоналик қурувчиларга!

Хабарингиз бор, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги масъуллари иштирокида юртимизнинг ҳар бир ҳудудида қурилиш-пудрат ташкилотлари вакиллари билан мулоқотлар ташкил қилиниб, унда соҳада учраётган камчиликларни аниқлаб, муносиб ечим топиш, қурилиш ташкилотларини тендер масалаларида қийнаётган саволларга ойдинлик киритиш орқали, улар фаолиятига енгиллик бериш, қурилишда самарадорликка эришиш мақсади кўзда тутилган эди.



Ана шундай мулоқотнинг навбатдаги манзили Фарғона вилояти бўлди.

Маълумотларга кўра, 2023 йилнинг январь-июнь ойларида Фарғона вилоятида жами 4,7 трлн сўмлик қурилиш ишлари бажарилган. Худудда амалга оширилган қурилиш ишлари ҳажмида йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари улуши 21,3 фоизни, кичик корхона ва микрофирмаларнинг улуши 59,5 фоизни ҳамда норасмий секторда бажарилган қурилиш ишлари улуши 19,2 фоизни ташкил этди.

Очиқ мулоқотда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги бўлим бошлиғи Д. Милюев, Қурилиш соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази бўлим бошлиғи Э. Сиддиқов ҳамда қатор масъуллар иштирок этишди. Учрашувда рейтинг кўрсаткичлари юзасидан қурилиш-пудрат ташкилотлари вакилларида йиғилиб қолган саволлар ўртага ташланиб, муҳокама қилинди. Мулоқотда иштирок этганлар қурилиш ташкилотининг қурилиш техникалари ҳамда ишлаб чиқариш базалари учун ҳам баллар берили-

шини ҳамда ИСО сертификатининг талабларида базалар баҳолалиши юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Самимий руҳда кечган учрашувда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги мутахассислари томонидан маълумотлар жойлашда йўл қўйилаётган асосий камчиликларга тўхталиб ўтилди. Хусусан, онлайн рейтингни шакллантиришда кўрсаткичларни сўний ошириш ёки ёлғон ҳисоботлар тақдим этиш сингари ҳолатлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Малакали мутахассислар иштирокида семинар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 февралдаги ПҚ-57-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Қурилишда техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти ва БМТ Тараққиёт дастури ўзаро ҳамкорлигида фотоэлектрик станцияларни ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг малакали мутахассислари иштирокида семинар ташкил этилди.



Семинарда шаҳарсозлик нормалари ва стандартларни такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг фикр-мулоҳазалари ва тақлифлари эшитилди. Хусусан, фотоэлектрик станцияларни монтаж қилиш бўйича шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларга ўзгартириш киритиш ҳамда янги стандартларни қабул қилиш юзасидан тақдимотлар қилиниб, уларни такомиллаштириш бўйича истиқболдаги вазифалар белгиланди.

Ислом цивилизацияси маркази юртимиз дурдонасига айланишига шубҳа йўқ



1бет

– Мазкур марказ катта кутубхона ва музейни ўз ичига олади, – деди Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори Жаннат Исмоилова. – Ўзбекистон Ислом цивилизацияси ривожига катта ҳисса қўшган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Музей орқали ҳам ана шу жараёнларни тарихий фактлар асосида кўрсатиб бериш мақсад қилиб қўйилган. Мазкур музей бошқа музейлардан дизайни, экспонатлар тақдироти билан тубдан фарқ қилади. Шу билан бирга, музейда илм-фаннинг ҳар бир йўналишига алоҳида эътибор берилиб, ҳар бир алломанинг ҳаёти, ижоди ва илмий наشرларини босқичча-босқич алоҳида шарҳлаб берувчи бўлимлар ташкил этилади.

Кўпгина тadbирлар, кўргазмалар ва бошқа маданий тақдиротларда буюк алломаларимизнинг номлари санаб ўтиладиган ҳолос. Лекин бу ерда биз олимлар билан ҳамкорликда ҳар бир алломанинг ўз соҳасидан ташқари илм-фанга қўшган ҳиссасини кўрсатиб беришни мақсад қилганимиз. Масалан, кўпчилик Ибн Сино деганда унинг фақат тиббиётга қўшган ҳиссасини эътироф этади ёки Берунийни эслганимизда, унинг “Ҳиндистон”, “Минерология”, “Геодезия” асарларини билади, аммо унинг дорихунослик борасидаги илмий изланишларини кўпчилик ҳам билавермаса керак. Шу сабабдан биз уларни ўз даврининг энциклопедик олими бўлиши баробарида фан соҳасини ўн-

дан ортққ турлари билан илмий ишлар, ташвиқотлар олиб борган инсон сифатида кўрсатиб беришни кўзда тутганимиз. Бунинг учун ҳар бир стенд, ҳар бир витринада алломаларимизнинг илмий тадқиқотда олиб борган йўналишларининг ҳар бирини алоҳида кўрсатиб бера оладиган бўлимлар ташкил этилади. Бу албатта, нафақат Ўзбекистон илм-фани балки дунё илм-фанини бир ажралмас қисмига айланганини мана шу экспонатлар ва манбалар орқали кўриш мумкин бўлади. Яъни, Улугбекнинг юлдузлар ҳақидаги китоби, “Зижи кўрагоний” асари ҳақида гапирганимизда шунчаки гапириб эмас, балки уларни дунё илм-фани ривожидида алоҳида ўрни борлигини кўрсатиб беришга жазм қилинган. Бу тарихий ҳилқатни айникса, ешларимиз билиши керак.

Музей концепциясини яратишда, унинг экспозицияларини шакллантиришда нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунёга танилган 100 га яқин тарихчи, шарқшунос, астрономлар ва математика соҳасидаги олимлар иштирок этишмоқда. Улар Ислом цивилизацияси маркази музейидаги экспозицияларнинг мазмун-моҳиятини бугунги кунга мос ҳолда ва унинг материаллари тақдиротини замонавий усулларда олиб боришда хисса қўшяптилар.

Ўзбекистон бой илмий-тарихий маданий меросга эга. Яқин ва узоқ тарихда ушбу мерос чет давлатларга тарқаб кетди. Ана шу экспонатларни қайта йиғиш, уларнинг нусхаларини олиш бўйича дунё

бўйлаб ҳамкорлик ишлари қандай кетяпти? Айнан Ислом оламида қайси экспонатлар ва уларнинг нусхаларини олиб келиш режалаштирилган?

Охириги беш йилнинг ичида мазкур йўналишда биринчи марта Европа ёки Шарқ мамлакатларида сақланаётган ва бизнинг аждодларимизга тегишли бўлган илмий наشرларнинг нусхаларини олиб келиш бўйича биринчи қадамлар қўйилди. Бу жараён давом этапти. Мисол қилиб айтадиган бўлсак, яқинда Ислом цивилизацияси марказининг бир гуруҳ олимлари Эронга бориб келишди. У ерда Ибн Синонинг мероси ва олимга тегишли замонавий наشرларга ва айрим наشرларнинг кўлэмаларини кўришга ҳам муваффақ бўлишди. Ташриф натижасида у ердан бобомиз Ибн Синонинг илмий фаолиятига боғлиқ бўлган, унинг фаолиятини акс эттирувчи кўпгина китоблар олиб келинди. Ана шу каби илмий сафарларни ташкил этиш борасида ишлар давом эттирилмақда. Бу каби илмий сафарларнинг ташкил этилиши натижасида ота-боболаримизнинг меросини ўрганишдек неча йиллик озуларимиз амалга ошяпти.

Бу эзгу ишларни амалга оширишда Давлатимиз раҳбарининг ҳиссаси бекиёс эканини таъкидлаш ўринли. Айнан Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистоннинг маданий мероси ҳисобланган хорижий давлатларда сақланаётган асарларни тўплаш, жамлаш ва уларни бир тизимга солишдек кенг кўламдаги ишлар йўлга қўйилди.



Суратлар муаллифи Муродбек ҲАЙДАРОВ.

Бу ерда музейшунослик илми қай даражада ривожланади? Яъни, экспонатларни сақлаш, уларни реставрация қилиш ишлари кейин ҳам давом этадими?

– Бу ерда илмий марказлар, катта кутубхона ташкил этилади. Музейда музейшунос кадрлар фаолияти йўлга қўйилади. Бутун дунё музейшунос олимлари ва маданият муассасалари билан алоқа қилиш ишлари давом эттирилади, – деди Жаннат Исмоилова. – Шубҳасиз, мазкур музейда иш олиб борадиган ҳодим ҳам мукамал, бир нечта хорижий тиллари биладиган ва шу билан бирга музейшунослик соҳасининг тарихини, шарқшунослик илмини, аниқ фанлар бўйича билимларни ҳам яхши эгаллаган бўлиши талаб этилади. Ўйлаيمانки, марказ қошидаги ушбу музей керак бўлса, Ўзбекистондаги барча музейларга намунга бўла оладиган муассаса бўлади. Умид қиламанки, келгусида бошқа мусейларни барпо этишда ҳам ёки уларни реконструкция қилаётганда ҳам айнан мана шу марказ музейдан ўрнак олишса арзийди.

Ўзининг салобатидан ташқари, унинг тарихини тараннум этувчи кўргазмалари орқали нафақат халқимиз, балки юртимизга ташриф буюрадиган сайёҳларнинг қадимжосига айланадиган Ислом цивилизацияси маркази фойдаланишга топширилишига оз фурсатлар қолди. Марказнинг ишга тушурилиши эса келажак авлоднинг ота-боболаримиз меросини ўрганишдаги энг муҳим жойларидан бирига айланади.

ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРСОЗЛИК

нормалари ва қоидаларини модернизация қилишда ҳамкорлик лойиҳасининг аҳамияти нимада?

Шерзод СОДИҚОВ, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирилик хузуридаги Қурилишда техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти директори.



Барча соҳалар каби қурилиш соҳасида ислохотларни янада чуқурлаштириш, бюрократик тўсиқларни камайтириш, инновацион ғоялар, ишланмалар ва илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шунингдек, соҳага оид талабларни соддалаштириш ҳамда норматив ҳужжатларни тизимлаштириш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини модернизация қилиш ҳамкорлик лойиҳаси доирасида Корея қурилиш муҳандислиги ва технологияси институти (KICT) билан ҳамкорликда жорий йилда 40 та шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини халқаро нормативлар билан уйғунлаштириш, қўшимча 60 дан ортққ нормативларга янги тавсиялар ишлаб чиқиш режалаштирилган.

Норматив ҳужжатларни такомиллаштириш ва модернизация қилишда қуйидаги асосий мақсадларни белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эга:

- норматив ҳужжатларни тизимлаштириш орқали шаҳарсозлик фаолияти соҳасида тартиб-таомилларни соддалаштириш;
- эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив ҳужжатларни янги ислохотлар билан мувофиқлаштириш;
- норматив ҳужжатларни амалиётда қўллаш билан боғлиқ муаммоларни таҳлил қилиш орқали такомиллаштириш;
- миллий норматив ҳужжатларни шаҳарсозлик фаолияти соҳасига оид халқаро норматив ҳужжатларга уйғунлаштириш.

Қайд этиб ўтиш лозимки, ҳамкорлик лойиҳаси доирасида 2022 йилда жами 16 нафар мутахассис навбат билан Корея Республикасида малака ва тажриба алмашиб қайтди. Шунингдек, жорий йилнинг март ойида ҳам Корея томони вакиллари ҳамда Ўзбекистондаги 100 дан ортққ соҳа мутахассислари иштирокида ўқув-семинарлари ташкил этилди. Малака ошириш курсларида Корея қурилиш стандартлари, қурилиш назорати ва сертифицилаш, Кореяда йўлларни бошқариш тизими, шаҳарсозлик бош режасини белгилаш тартиби, Кореяда объектлар хавфсизлигини бошқариш тарихи ва валанд қаватли бинолар учун қурилиш тизимларини лойиҳалаш стандартлари ва стратегиялари, биноларни энергия самарадорлиги, BIM

технологиялари ва ақлли шаҳарларга оид мавзуларда тақдиротлар қилинди.

Кореялик соҳа мутахассислари томонидан 80 дан ортққ миллий шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига халқаро тажрибаси асосида жумладан, “Йўлларни ёритиш мосламаларини лойиҳалаш ва қуриш”, “Электр транспорт воситаларини зарядлаш мосламаларини лойиҳалаш ва қуриш”, “Автомобиль тўхташ жойларини лойиҳалаш ва қуриш”, “Электротехник қурилмалар”, “Автоматлаштириш тизимлари” ва бошқа бир қатор шаҳарсозлик йўналишларида инновацион таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, қурилиш нормативларини такомиллаштиришда инobatга олинди.

Мазкур ишлаб чиқиб тавсия қилинган янги лойиҳа ечимлари ва қоидалар миллий шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини халқаро стандартлар билан уйғунлаштиришни таъминлайди. Хорижий мутахассислар тавсиялари асосида норматив ҳужжатларни такомиллаштириш кўлаба янги халқаро стандартларни амалиётга жорий этиш имкониятини беради ва шаҳарсозлик фаолияти соҳаси ислохотларини амалга оширишни янги босқичга олиб чиқади.

Ўқоридиги фикрларни инобатга олган ҳолда янгиланган ва янгиланаётган шаҳарсозлик норма ва қоидалари (ШНҚ) билан танишиб бориш юртимизда фаолият юритаётган ҳар бир қурилиш соҳаси вакили учун катта аҳамиятга эга. Зеро, фаолияти давомида қурилишнинг замонавий ва инновацион услубларидан фойдаланиш ҳамда бу борадаги тартиб-қоидаларни пухта ўзлаштириш соҳа мутахассисларига ҳар дамда қўл келиши шубҳасиз. Шу боисдан қабул қилинаётган янги ШНҚлар, уларга киритилаётган ўзгаришлар “O‘zbekiston bunyodkori” газетасининг келгуси сонларидан доимий равишда чоп этирилиб боришини маълум қиламиз.

Ишлар самараси таҳлилларда кўринади

Ҳамза ШУКУРОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирилик хузуридаги “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Самарқанд вилояти филиали ходимлари ўз вазифасига масъулият билан ёндашиб, муҳим натижаларга эришмоқда. Жумладан, лойиҳа-смета ҳужжатларини кўриб чиқиш, уларга тегишли экспертиза хулосалари берилиши борасидаги асосий топшириқларни амалга оширишда филиал мутахаасислари анча фаол. Жорий йилнинг биринчи ярминдаги кўрсаткичларни ўтган йилнинг мос даври натижалари билан таққослаш вазиятга янада ойдинлик киритади.

Аввало, ўтган йилги ишларга тўхталсак. 2022 йилнинг дастлабки олти ойида “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари бўйича 63 та объектдаги ишлар экспертизадан ўтказилди. Маълум бўлишича, уларда экспертизадан олдин сарфланган маблағ 158,41 млрд сўмни, экспертизадан кейин эса 138,85 млрд сўмни ташкил этган.

“Янги Ўзбекистон” массивларини барпо этиш борасида айни пайтда вилоятда 19 та объектда қурилиш-бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Ўтган йилнинг биринчи ярмида бу қурилишларда 416,32 млрд сўм маблағ ўзлаштирилган. Бу экспертизадан аввалги кўрсаткич ҳисобланади. Экспертиза жараёнида барпо этилаётган биноларнинг сифатлилиги, элзилба-бардошлиги, ёнгина чиданлилиги, хавфсизлиги каби жиҳатларга эътибор қаратилди. Натижада мутахассислар томонидан ўтказилган экспертизага қўра, “Янги Ўзбекистон” массивлари қурилиш-бунёдкорлигидан 184,30 млрд сўм маблағ иктисод қилинган.

– Ижтимоий ишлаб чиқариш ва инфратузил-

мани ривожлантиришга оид инвестиция дастури бўйича ҳам ижобий кўрсаткичлар қўлга киритилмоқда, – деди филиал раҳбари Шокир Илмуратов. – 171 та иншоотда ўтказилган экспертиза натижалари сметадагидан 95,51 млрд сўм маблағ иқтисод қилинганини кўрсатди. Шунингдек, бошқа дастурлар бўйича бажарилган ишлар ҳам экспертизадан ўтказилди. Бундай объектлар 639 тани ташкил этиб, улардаги экспертизадан олдинги маблағ сарфи 1008,02, экспертизадан кейингиси эса 927,97 млрд сўмни кўрсатди.

Шунингдек, 2023 йилнинг ўтган олти ойи давомида экспертизага келган муурожаатлар сони 1400 тадан иборат бўлиб, 1 июль ҳолатига қўра уларнинг 922 таси ижобий ҳал этилгани ҳақида экспертиза хулосалари берилди.

Бир сўз билан айтганда, “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Самарқанд вилояти филиалида Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, вазирлик буйруқлари, амалдаги шаҳарсозлик меъёрлари ҳамда қоидаларига мос равишда ишлар олиб борилмоқда.

Газ таъминоти: мавсум беталафот ўтади

Ҳилола ИСМАТОВА, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Президентимизнинг 2021 йил 9 декабрдаги “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-32-сонли фармониға асосан Навоий вилоятининг Кармана туманидаги “Дўстлик” ҳамда Қизилтепа туманининг “Маликобод” МФЙ ҳудудларида “Янги Ўзбекистон” массивлари бунёд этиляпти.

Уларни газлаштириш учун “Худудгаз Навоий” газ таъминоти томонидан газлаштириш лойиҳаси ишлаб чиқилиб, газ тармоқларини тортиш юзасидан зарур ишлар бажарилмоқда. Жумладан, номлари қайд этилган массивлардаги жами 26 та кўп қаватли уйдаги 620 та хонадон ҳамда ижтимоий соҳа объектлари бир маромда табиий газ билан таъминланади. Бундан ташқари, Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 30 декабрдаги



ПҚ-465-сонли қарорига қўра, мазкур ҳудудларда 13 та кичик саноат зонасини ташкил этиш белгиланган бўлиб, мана шу жойларни ҳам газлаштириш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари тўлиқ ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда 4 та кичик саноат, ёшлар саноат ва тadbиркорлик зоналарининг ташки табиий газ тармоқларини қуриш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, ғозгон шахридаги “Мармаробод” МФЙ ҳудудида ҳам газ тармоқлари монтаж қилинмоқда, қолган кичик саноат зоналарида эса газлаштириш ишлари босқичма-босқич амалга оширилиши бўйича савй-ҳаракатлар бошлаб юборилган.

– Навоий шахрининг М.Торобий кўчасидаги 16 қаватли уй-жойларни етакчи муҳандиси Фахриддин Жумаовий” газ таъминоти томонидан амалга оширилди, – деди филиал Қурилиш ва таъмирлаш бўлими бошлиғи

Ҳамдам Раҳмонов. – Қувурларни тортиш учун махсус автотранспорт воситаси ҳамда 10 дан ортққ пайвандчи ва чилангарлар хизмат қилаётганини алоҳида эътироф этиш керак. Уларнинг тезкорликда амалга оширган ишлари натижасида 3 та 16 қаватли хонадонда яшовчилар табиий газдан унумли фойдаланишмоқда.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, вилоятда бугунги кунда газ жиҳозлари сони 229 минг 724 тани ташкил этади.

– Эски газ горелкалардан фойдаланилганда ойлик газ сарфи 650 куб метрни ташкил этса, янги автоматлаштирилган энерготежамкор газ ёндиргичларида бу кўрсаткич 340 куб метрни ташкил этади, – деди “Худудгаз Навоий” газ таъминоти филиали етакчи муҳандиси Фахриддин Жумаовий. – Бу эса аҳолига ҳар ойда 310 куб метр газни тежаш имконини беради. Демакки, газ тежалиши натижасида

тўлов миқдори ҳам анча камаяди. Шу билан бирга, истеъмолчи уйда бўлмаган тақдирда газ ўчиб қолса, янги замонавий газ ёндиргичларда газ автоматик равишда ўтади.

“Худудгаз Навоий” газ таъминоти филиали томонидан 2023 йил давомида 15 минг 260 тона ностандарт газ жиҳозини энерготежамкор газ жиҳозига алмаштириш режалаштирилган бўлиб, натижада 3 миллион 662 минг 400 метр куб газ тежалишига эришилади. Қолаверса, қиш мавсумини беталафот ўтказишда газ тармоқларини 2023-2024 йил куз-қиш мавсумига тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Газ тақсимлаш пунктларининг таъмирланиши, қувурларни босим остида синаш ва тозалаш каби бошқа тadbирлардан қўзланган асосий мақсад – аҳолига табиий газни узлуksиз ҳамда бир маромда етказиб берилишига қаратилган. Бу борада “Худудгаз Навоий” газ таъминоти филиали ҳамда унинг шахар, тумангаз газ таъминоти бўлимлари томонидан ҳам бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, шу кунгача вилоят бўйича 5 наога таъқимлаш пункти капитал таъмирланиб, 74,2 километр газ қувури босим остида синалган ва хаво босими ёрдамида тозаланган бўлса, 124,7 километр газ қувурлари эса эстетик жиҳатдан тартибга келтирилди.

Бир сўз билан айтганда, барча объектлар ва хонадонларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича вилоятда катта ишлар қилинмоқда. Бу тadbирлар эса мавсум беталафот ўтишига замин яратиши шубҳасиз.

КАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Мактабгача таълим ташкилотлари кўпаймоқда

Шухрат НОРМУРОДОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Мактабгача тарбия таълимнинг бирламчи ва энг муҳим бўғини ҳисобланади. Кейинги йилларда мактабгача таълим тизимида туб ислохотлар амалга оширилиб, янгидан янги ишга тушаётган мактабгача таълим ташкилотлари орқали уларнинг қамров даражаси ошиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, бошланғич таълим сифатини оширишга ва уни замон талаблари асосида ташкил этишга хизмат қилмоқда.



Яқинда Қамаши туманининг Жонбўз ва Ойнакўл маҳаллалари ҳудудида ҳар бири 150 ўринли бўлган давлат мактабгача таълим ташкилоти бинолари фойдаланишга топширилди. Тантанали очилиш маросимида туман ҳокими Ботир Тоғаев, сектор раҳбарлари, маҳалла фаоллари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Маълумот ўрнида, Жонбўз маҳалласидаги 25-ДМТТ биносини қуриш ишларига 6 млрд 142 млн сўм маблағ сарф-

ланган бўлса, Ойнакўлдаги 26-ДМТТ эса 6 млрд сўмга яқин маблағ эвазига барпо этилди. Янги қурилган мактабгача таълим ташкилотларида гуруҳ ва санитария-гигиена хоналари, тиббиёт хонаси, мусиқа зали, алоҳида ошхона, умумий овқатланиш зали, ўйин майдончалари, ёғзи айвончалар ҳамда сузиш ҳавзаси барпо этилган.

Яқин кунларда туманда яна 4 та янги давлат боғчаси фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган.

Янги саноат корхонаси ишга тушиш арафасида

Касби туманининг “Тинчлик” МФЙ ҳудудидаги 1 гектар ер майдонида “Naxshab tex group” МЧЖ томонидан “Султон” бренди остида, тадбиркорнинг ўз маблағи ҳисобидан 10 млрд сўм ҳамда банк кредити орқали 12,3 млрд сўм, умумий қиймати 22,3 миллиард бўлган тикувчилик фабрикаси ишга туширилиш арафасида.

Шу муносабат билан вилоят ҳокими Муротжон Азимов ушбу лойиҳа қурилишининг якуний жараёнлари билан яқиндан танишиш мақсадида ушбу саноат корхонасида бўлди. Ушбу ойда (август) ишга туширилиши кутилаётган ушбу саноат корхонасида 600 нафарга яқин маҳаллий хотин-қизлар ва ёшлар иш билан таъминланади.

Вилоят раҳбари лойиҳани ўз муддатида ишга тушириш ҳамда корхонада



фаолият олиб борадиган ходимлар учун шарт-шароитлар яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилиши лозимлиги хусусида кўрсатмалар берди.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

Куз-қиш мавсумига тайёргарлик авжида

Болтабой МАТҚУРБОНОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Бугунги кунда ҳаётимизни электрсиз тасаввур этиб бўлмайди. Чироқ бир зум ўчиб қолса, ғиёғимиз фалакка чиқади. Халқимизни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш мақсадида соҳа ходимлари жойларда ёзнинг жазирама саратонида ҳам, қишнинг совуқ қировли кунларида ҳам қизғин иш олиб боришади. Аҳоли сонининг ортиши билан баъзи трансформаторларнинг қуввати пастлик қилиб, электрда узулишлар бўлса, баъзи ҳудудларда трансформаторларнинг эскириб қолгани учун ишдан чиқиш ҳолатлари юз беради.

“Худудий электр тармоқлари” АЖ Хоразм вилояти филиали ва унинг туманлардаги бўлимлари томонидан куз-қиш мавсумига пухта тайёргарлик қўриш ҳамда трансформаторларни мукамал таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Жумладан, ҳозирда Тупроққалъа туманидаги “Гурлан” подстанциясидан чикувчи “Ҳазорасп” 10 кВтли ҳаво электр тармоғи, Хива шаҳар “Гиламчи” подстанциясидан чикувчи “Ҳазорасп” 10 кВтли ҳаво электр тармоғи мукамал таъмирланаяпти. Богот туманидаги Гулшан маҳалласи аҳолисини куз-қиш мавсумида сифатли ва узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш мақсадида шу ҳудудда жойлашган 1227-сонли трансформатор пункти ҳам соз ҳолатга келтирилди. Хива туманида жойлашган 9867-сонли трансформатор пунктида Хива туман электр таъминоти ходимлари

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

Кўчалар равон бўлди

Бегзод АҲМАДКУЛОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

“Ташаббусли бюджет” лойиҳаси доирасида аҳоли вакиллари ўз маҳалласида инфратузилмаларни яхшилаш, мактабларни таъмирлаш, жиҳозлаш каби лойиҳаларга овоз бериш орқали маҳаллий бюджетнинг бир қисmini тақсимлашда фаол иштирок этишмоқда.



Боевум туманида ҳам ушбу лойиҳа асосида олиб борилаётган ишлар ҳудуднинг ижтимоий ва иқтисодий ҳолатини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон маҳалласида истиқомат қилувчи аҳоли лойиҳанинг жорий йилги биринчи мавсумида фаол иштирок этиб, 8 700 та овоз билан ўз ташаббусларининг ғолиблари қаторидан ўрин олишган эди. Шу кунга қадар лойиҳа маҳалладаги Бобораҳим Машраб, Настирин, Йулдош каби кўчаларнинг 2 500 метр қисмида таъмирлаш ва асфальтлаш ишлари олиб борилди.

дан-тўғри тармоққа улаган. Оқибатда ушбу кўп қаватли уйлارда 225 млн сўмлик электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиш ҳолати аниқланди. Шунингдек, Сайхунобод туманида “Т.А.” фермер хў-

Электрдан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари аниқланди

Бош прокуратура ҳузуридаги департаментнинг Мирзаобод тумани бўлими томонидан ЭТК ходимлари билан ҳамкорликда терговга қадар текширув ўтказилди.

Аниқланишича, “С.С.Т.” МЧЖ Оқолтин тумани бўлими масъул шахслари ва бошқалар тумандаги кўп қаватли уйларга канализация хизматини кўрсатиш, аҳолига тоза ичимлик суви етказиб беришда сув насосларини тўғри-

дан-тўғри тармоққа улаган. Оқибатда ушбу кўп қаватли уйларда 225 млн сўмлик электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиш ҳолати аниқланди.

Шунингдек, Сайхунобод туманида “Т.А.” фермер хў-

жалиги раҳбари У.М. балиқчилик кўлида сув насосини электр тармоғига яширинча улаб, 116,9 млн сўмлик электр энергиясидан ноқонуний фойдалангани аниқланди.

Мазкур ҳолатлар юзасидан Жиноят кодексининг 185-2-моддаси (электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш ҳодаларини бузиш) билан жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

9 қаватли турар жой ва 200 ўринли клиника қурилмоқда

Азиз МАШРАБОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Термиз шаҳрида қатта бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқдаки, сўнгги бир неча йил аввал шаҳарда бўлмаган киши янгича қиёфасини танимай қолиши аниқ.



Сабаби, шаҳар кундан-кун чирой очиб, янгидан-янги лойиҳалар амалиётга татбиқ этилмоқда. Қолаверса, вилоят ҳокими Термиз шаҳрида олиб борилаётган лойиҳалар билан танишиб, амалга оширилаётган ишларни шахсан ўз назорати остига олгани масъуллар масъулиятини ошириб, қурилиш ишларининг сифатли ва қисқа фурсатларда амалга оширилишини таъминламоқда.

Яқинда вилоят раҳбари Термиз шаҳридаги Алпомиш маҳалласида бўлиб, ҳудуддаги собиқ деҳқон ва озик-овқат бозори ўрнида “SMART-HOUSE-BUILDINGS” МЧЖ томонидан қурилаётган 9 қаватли турар жой ва 200 ўринли клиниканинг қурилиши билан

танишди. Лойиҳа ташаббускори билан мавжуд муаммолар хусусида суҳбатлашди. Аҳолининг турар жой ва сифатли тиббий хизматга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилиши кўзда тутилган ушбу лойиҳани мукамал амалга ошириш бўйича тавсиялар берди.

Қолаверса, шу ернинг ўзида “Ургут Термиз Алоқа” МЧЖ томонидан барпо этилаётган кўп қаватли турар ва нотурар жой бинолари қурилиши лойиҳаси тақдидот қилинди. Ушбу лойиҳадаги баъзи камчилик ва муаммолар муҳокама қилинди. Ҳар иккала лойиҳа ҳам тегишлича ўрганилиб, янада пухта ишлаб чиқирилиши бўйича масъулларга топшириқ берилди.

Янги йўл қурилиши қизғин бормоқда

Сурхондарё вилоятида халқаро аҳамиятга эга М-39 ва М-41 автомагистралларини бирлаштирувчи ҳамда Тошкентга юк етказилиш вақтини қисқартиришга хизмат қилувчи янги йўл қурилмоқда. Айни кунларда ушбу объектда қурилиш ишлари қизғин паллага кирди.

Лойиҳа Осиё тараққиёт банки томонидан молиялаштирилган бўлиб, 4Р-105 “Дарбанд-Бойсун-Элбаён” автомобиль йўлининг 5-70-километр (65 километр) ва 4Р-100 “Манғузор-Жарқўргон-Бандихон-Олтинсой-Денов” автомобиль

йўлининг 128-174-километр (46 километр) қисми реконструкция қилинмоқда.

Асосийси, лойиҳа туфайли воҳадан пойтахтга олиб борувчи автомобиль йўли 146 километрга қисқаради.

Ўзбекистон муҳандис-консультантлар уюшмаси мутахассислари – ГРУЗИЯДА

Феруза БОБОКУЛОВА, Ўзбекистон муҳандис-консультантлар Уюшмасининг биринчи фахрий аъзоси, “MY LAWYER” адвокатлик фирмаси ҳамкори, Халқаро савдо палатаси (International Chamber of Commerce) Халқаро арбитраж суди аъзоси.

Грузия – бетакрор иқлими, гўзал табиидидан ташқари, ўзига хос шаҳарсозлик услуби, замонавий архитектура намуналари, бежирим ва шинам қурилган бинолари, улкан ҳажмдаги йўл ва сув иншоотлари билан ажралиб туради. Ушбу мамлакатга ташриф буюрган меҳмонлар Тбилиси ва бошқа йирик шаҳарлардаги бунёдкорликлар, архитекторлар фаолияти, йирик лойиҳаларнинг амалга оширилишида ўзига хос ёндашувдан ҳайратланиши табиий.

Яқинда Ўзбекистон муҳандис-консультантлар Уюшмаси ҳамда Грузия муҳандис-консультантлар Уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тренингда ўзбекистонлик мутахассислар Грузиядаги қурилиш жараёнлари билан яқиндан танишдилар. Унда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси, халқаро молия институтлари мутахассислари, лойиҳани амалга ошириш гуруҳлари ходимлари, харидлар бўйича мутахассислар, шунингдек, муҳандислик ва адвокатлик фирмалари вакиллари иштирок этишди.

Нуфузли тренинг ФИДИКнинг 2-модули (ФИДИК шартномалари бўйича даъволар ва низоларни ҳал қилишни бошқариш), 4-модули (ФИДИК шартномаларини бошқариш) ва 7-модули (ФИДИК қисқа шартнома шакли)ни ўқитишни ўз ичига олди. Иштирокчилар инфратузилма лойиҳаларида иштирок этувчи турли томонлар вакили бўлганлиги сабабли, грузиялик ҳамкасблар билан ФИДИК шартномаларидан фойдаланиш бўйича ўзаро тажриба алмашишлари учун амалий машғулотлар олиб борилди. Хусусан, тренинг қатнашчилари Рикоти довозининг участкаларидан бири бўлган ва Е-60 автомобиль йўлининг ажралмас қисми ва Чуматлети-Аргвета йўлига ташриф буюришди. Мазкур Рикоти довозида 51,6 км йўл, жумладан, 96 та кўприк ва 53 та туннель қуриш режалаштирилган бўлиб, бу участкани модернизация қилиш Грузия йўл тармоғини ривожлантириш учун жуда муҳим мезон ҳисобланади. Негатки, Рикоти довозининг модернизацияси ҳаракат хавфсизлигини яхшилаш ва саёҳат вақтини қисқартиришдан ташқари, автомобиль йўлининг ўтказиш қобилиятини ва транзит айланмасини оширишга хизмат қилади.

Тренинг иштирокчилари кўприк қурилиш майдончасида бюртмачи, пудратчи ва муҳандис вакиллари билан ҳам учрашиб, лойиҳаларни бошқариш, ФИДИК

шартномаларини қўллаш бўйича тажрибалар, фойдаланилаётган материаллар ва қурилиш технологиялари, иш сифатини бошқариш, шунингдек, ўзаро ҳамкорлик ҳақида сўз юритишди.

Худди шундай учрашув Квешети-Коби йўлида ҳам бўлиб ўтди. Бу йўлда узунлиги 22,7 км бўлган 2 чизикли асфальт-бетон йўл, 6 та кўприк ва 5 та туннель, шу жумладан, 9 км узунликдаги битта туннель қурилиши режалаштирилган. Ташриф чоғида иштирокчиларга Квешети-Коби участкаси Шимолий-Жануб транспорт йўлагининг бир қисми эканлиги ва мураккаб метеорологик йўл бўйлаб ўтганлиги, қишда кучли қор ёғиши сабабли автотранспорт ҳаракати тез-тез ёпилиб, транзит ҳаракати тўхтатилиши оқибатида янги йўлга эҳтиёж туғилгани тушунтирилди. Янгидан қурилаётган 9 километрлик туннель мавжуд муаммоларни бартараф этиб, Квешети ва Коби ўртасидаги масофа 35 км дан 12 км гача қисқариши ва бу йўл бўйлаб ҳаракатланиш вақти 1 соатдан 20 дақиқага камайиши маълум қилинди.

Ташриф давомида ўзбекистонлик мутахассислар бюртмачи, пудратчи ва муҳандис вакиллари билан ҳам учрашдилар. Бажарилаётган ишларнинг технологияси, Квешети-Коби туннель лойиҳаси учун махсус ишлаб чиқарилган ва диаметри 15,8 м бўлган туннель қазиш мосламаси томонидан етти километр чуқурликда 9 километрли туннелни бурғулаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги видеолавлар кўрсатилди. Иштирокчилар туннель қурилишини бошқариш марказига ҳам ташриф буюриб, у ерда нафақат иш технологияси, балки сифати ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича йўлга қўйилган асосий чора-тадбирлар билан ҳам яқиндан танишдилар. Кўп босқичли қурилиш хавфсизлиги тизимининг барча жиҳатлари, хусусан, махсус жиҳозлар ва шахсий химоя воситалари, усуналарга махсус ўрнатилган хавфни аниқлаш детекторлари, уларнинг жойлашуви, алоҳида технологик туннель қуриш масалаларининг



муҳокама қилиниши ййғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Шунингдек, тренинг иштирокчилари Тбилиси шаҳридаги Маршал Геловани шоҳ кўчасида қурилаётган “м2” турар жой мажмуасига ташриф буюриб, компания вакиллари, муҳандислари ва пудратчиси билан учрашдилар. Компания вакиллари мажмуа қурилиши ФИДИКнинг Қизил китобиға мувофиқ олиб борилаётганини айтишди ва ўзларининг лойиҳа бошқарувидаги тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Хусусан, “м2” қурилиш компанияси лойиҳа менежери қурилишда ФИДИК шартномаларидан фойдаланиш кўплаб афзалликларга эға эканлигини таъкидладди.

Ўзбекистонлик мутахассислар 2004 йилда ташкил этилган ва ISO-9001 стандартларига мувофиқ фаолият юритувчи, қурилиш соҳасида сифат назоратини таъминловчи “Quality Engineering Group of Georgia Ltd.”нинг синов лабораториясида ҳам бўлишди. Иштирокчилар лабораторияда синов жараёнида фойдаланиладиган барча жиҳоз ва технологиялар билан яқиндан танишиш имконига эға бўлдилар. Булардан ташқари, махсус қурилиш материаллари савдо маркази бўлмиш “Грузия бетон клуби”га ҳам ташриф уюштирилди. Қиймати қарийб 11 миллион АҚШ долларини ташкил этган Гудаури оқава сувларини тозалаш иншооти лойиҳасининг муҳандиси ва пудратчиси вакиллари билан учрашувлар ўтказилди. Тозалаш иншоотида тренинг иштирокчилари ишнинг боришини кузатиш, лойиҳада қўлланилаётган асбоб-усуналар ва технологиялар билан танишишди.

Шунингдек, Грузия Халқаро арбитраж маркази билан ҳам расмий учрашув бўлиб ўтди. Унда қурилишға оид низоларни ҳал этишда ҳамкорлик қилиш масалалари муҳокама этилди.

Бир сўз билан айтганда, ушбу тренинг Ўзбекистон муҳандис-консультантлар Уюшмасининг ФИДИК бўйича чет элдаги турли қурилиш объектларга ташрифни ўз ичига олган ҳолда ташкил қилган биринчи ва муваффақиятли тажрибаси бўлди. Энди Ўзбекистонда ўтказиладиган барча тренинглр қурилиш объектларига ташрифни ва амалий машғулотларни ўз ичига олган ҳолда ўтказилиши режалаштирилмоқда. Шунингдек, Уюшма томонидан хорижий давлатлардаги ФИДИК шартномаларига ихтисослашадиган мутахассислар билан тажриба алмашиш ва фол алоқа ўрнатиш учун бир қатор хорижий тренинг дастури ҳам ишлаб чиқилган.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда юртимизда хорижий компаниялар, инвесторлар иштирокида, шу жумладан, халқаро молия институтлари томонидан молиялаштириладиган лойиҳалар доирасида кўплаб қурилиш ишлари амалга оширилмоқда. Бундай лойиҳалар учун томонларнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўлиқ акс этирилган шартнома ва битимлар тузишға эҳтиёж бор. Грузияда ўтказилган тренинг ва амалий машғулотлар мутахассисларнинг ФИДИК шартномалари, уларни қўллаш соҳасида халқаро тажриба ва амалиёт бўйича ҳам билимларини янада бойитишда катта аҳамиятға эға.

Туғилган кунингиз муборақ бўлсин!

Август ойининг шу кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Иссиқлик таъминоти тизимини эксплуатация қилиш ва ривожлантириш бошқармаси бошлиғи **Қурбон Турсунов**, Стратегик режалаштириш ва методология бўлими бош мутахассиси **Шерзоджон Сайдуллаев**,

Қурилишда техник меёёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти Қурилишда нархларни шакллантириш методологияси бўлими мутахассиси **Бобурирзо Абдуаликов**, Қурилишда стандартлаштириш бўлими бош мутахассиси **Абдурауф Султонхонов**,

“Ташгипрогор” АЖ етакчи муҳандиси **Баҳодирхўжа Бурханов**,

Андижон вилояти, Андижон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи – бош архитектор **Бехзодбек Ашуров**,

Бухоро вилояти, Бухоро тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Азизбек Юлдошев**,

Жиззах вилояти Қўрилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси қоровули **Алимбек Абдуллаев**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири в.в.б **Азимжон Курбанбаев**, Қўнғирот тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи – туман бош архитектори **Сабит Инаев**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси мутахассиси **Азизбек Оралбаев**,

Навоий вилояти, Қонимех тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими мутахассиси **Хондамир Раҳматов**,

Тошкент вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари – вилоят бош архитектори **Бунёд Саидходжаев**, етакчи мутахассис **Унидин Шарипов**,

Фарғона вилояти қурилишда тендер савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази бўлим бошлиғи **Мавлонбек Содиқов**, Бухоро вилояти, Пешку туманидаги “Bentley” МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Исомиддин Зойиров**,

Жиззах вилояти, Пахтакор туманидаги “Пахтакор шер голд” МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Шерзод Жўрабоев**,

Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳридаги “Нефтчи Ишонч сервис” МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Жавоҳир Ҳусанов**,

Навоий вилояти, Зарафшон шаҳридаги “Zar City Servis Kompaniyasi” МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Лазиз Тожиев**,

Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳридаги “Зиё нур ҳамкор” МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Шаҳноза Ачилова**,

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек туманидаги “Silk Road-Union” МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Шарофат Тулаева**, Юнусобод туманидаги ПУК “Мадали сервис” бош директори **Абдурафиқ Мадалов**ларни таваллуд қуни билан чин дилдан муборақбод этамиз.

УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚУМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!

«ТОШТЕМИРЙЎЛЛОЙИҲА» МЧЖ

ЮРТИМИЗДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН БАРЧА ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ХОДИМЛАРИГА КАСБ БАЙРАМИ МУБОРАК БЎЛСИН!

Ушбу тизимда меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчилар, қурувчи ва муҳандислар, машинист ва вагон кузатувчилари, соҳа фахрийларини Темирйўлчилар куни байрами билан табриклаймиз.

Юртимиз равнақи йўлида олиб бораётган фаолиятингизда улкан зафарлар ёр бўлсин!



IQTIMO'IY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров
(Тахрир ҳайъати раиси),
Шерзод Ҳидоятлов,
Давронжон Адилов,
Жалол Арашов,
Козим Туляганов,
Юлдаш Мағрупов,
Жамшид Исмаилов,
Бобир Элмуродов,
Қудратбек Хошимбеков.

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Ҳўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусахҳиҳ **Марҳамат Мусулмонкулова**

Газета «Ўзбекистон бунёдкори»
Нашириёт уйи МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.

**«ЎЗБЕКISTON БУНЁДКОРИ»
НАШИРЁТ УЙИ МЧЖ
МУАССИСАЛARI:**

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазирлиги,
«Ўзсаноатқурилишматериаллари»
уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК,
«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100035, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 18-уй.

Телефонлар:
71-208-12-00 (қабулхона),
71-208-12-00 (тахририят),
71-208-12-00 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими),
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

**Қорақалпоғистон
Республикаси:** 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 91-479-55-11.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 99-831-11-15.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0874-рақам билан
рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-837.
1625 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида
босилган. Баҳоиси келишилган
нархда. ISSN 2181-8762.
Тахририятга келган қўлёзмалар
тақриз қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайдди.
Газета тахририят компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан
сифатли чоп этилишига
«Шарқ» наشريёт-матбаа
акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир – Р. Ҳўжаева.

Навбатчи – М. Ҳайдаров.

Ўза якуни – 21.40.
Топширилди – 22.25.